

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Чор Россияси Туркистонни забт этиб, маҳаллий аҳолини зулм остида ушлаб келарди. Туркистонликлар кўтарган бир неча кўзғолонлар аёвсизларча бостирилган, жуда кўп кон тўкилган эди.

I Жаҳон уруши ва ўша даврдаги сиёсий воқеалар Чор Россияси ҳукмронлиги дарз кетаётганини кўрсатиб қўйди. 1917 йил февралида ўлкага Николай тахтдан воз кечганмиш, янги ҳукумат урушни тўхтатармиш деган хабарлар кела бошлади.

Кахрамонимиз нима бўлдию, Бешболалик Ота-бой гиштчининг мулла Сулаймон деган махрами билан гап талашиб колди ва унга бир-икки шапати қўйиб юборди. Отабой гиштчи бу шапатини ўзининг бетига тушгандай газабланиб кахрамонимиз устидан тухмат ва бўхтонлар ташкиллаб Сибирнинг Нерчинск деган жойига 14 йилга каматтириб юборди. Мадаминбек Сибирда ок-корани таниди. Рус сиёсий махбусларидан империядаги сиёсий вазият, урушда Россия кўраётган катта талофатлар, инкилобчилар мақсад ва ниятларини сўраб ўрганди. У русча ўқиш, гапиришни, хатто француз тилини тушунадиган бўлди. У сургундалигида ҳам беш вақт намозини, Рамазон ойида рўзасини ҳеч канда қилмади.

1917 йил баҳорида Николай II тахтдан туширилгач, янги тузилган Муваққат ҳукумат сургундагиларни авф этди. Мадаминбек Маргилонга қайтиб келади.

Алгов-далгов замонлар бошланиб кетган, вақтли ҳукумат деганлари жамиятда тартиб-интизомни саклашга ожизлик қилиб қолган эди. Илгари шунчаки ёпик турадиган дўконлар ва хонадон эшикларига катта-катта кулфлар тушган, шунга карамай ўгрилик, босқинчилик авж олган эди.

Мадаминбек бу воқеаларга лоқайд қараб тура олмади. У ўзига ўхшаш имонли, инсоф-диёнатли йигитларни йигиб, маҳалла хонадонларини жинойтчилардан химоя қилишга киришди.

1918 йил бошларида бир тўда босқинчилар Маргилонда анчагина кўзга кўринган Абдураззок закончини сўйиб кетишди. Мадаминбек ўз йигитлари билан бу ўта хавфли жинойтчилар тўдасини қўлга олиб, жазолади. Кейинчалик у Абдураззок закончининг кизига совчи жўнатади. Бой-бадавлат хонадонлардан устма-уст келаётган совчиларга рози бўлмаётган Саодатхоннинг волидаси қутилмаганда бек совчиларига ок ўратиб юборди.

Мадаминбек ўз назоратига олган ҳудудда тартиб-интизом ўрнатилиб, аҳоли тинч ҳаёт тарзига қайтади. Кеч кузда Маргилонга янги бир хабар етиб келди: ок подшо ўрнига келган ҳукуматни большевойлар ағдарибди, улар барча ерларда ўз ҳукуматларини тузиб, ҳукмларини ўтказаятган эмиш. Вақтли ҳукуматни ағдариб ҳокимиятни ўз қўлига олган Ленин бошлик большевойлар оддий халқни ўз томонига оғдириб олиш учун дарҳол урушни тўхтатиш, сулҳ тузиш, ерни камбағалларга тақсимлаб, очарчиликни тугатиш масалалари ҳақида қарорлар эълон қилди. Энг асосийси ҳамма миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини (бу қарор қозғалди қилиб кетган) эълон қилиниши жуда кўпчиликлари чалғитган. Лениннинг ҳар бир халқ ва элат ўз истаганидек давлат тузишга, ўз урф-одат ва анъаналарига биноан яшашига тўла ҳаққи борлигини эълон қилиши ҳам эрқарвар туркистонликлар қалбида умид учқунларини ёқди.

Мадаминбек кўплар қатори янги ҳокимият миллат манфаатлари учун хизмат қилади деб

ишониб, унинг таркибида ишлашга рози бўлади. У 1917 йил охиридан Маргилон милицияси бошлиги сифатида ишлай бошлади. Айти чогда «Шўрои Исломия» жамияти фаоллари каторида бўлган.

Вазиятга бошка кўз билан карайдиган бўлсак, чор ҳокимияти даврида ҳокимият 100 фоиз руслар кўлида бўлган. Негадир халқпарвар большевойлар ҳам ҳокимиятга келганда Туркистон ҳукуматида битта ҳам мусулмон вакилига «жой топилмади». 1917 йил 15 ноябркуни большевиклар ташаббуси билан Тошкентда янги давлат ташкил этилиб (Туркистон Автоном Совет Республикаси-ТАСР), унинг 15 та рахбари «сайланди». Янги давлат раҳбарларининг барчаси русийзабон аҳоли вакиллари бўлиб чиқди.

Бундай адолатсизликка рози бўлмаган миллатпарвар кучлар, 1917 йилнинг 26-28 ноябр кунлари Кўконда йигилиш ўтказиб Туркистон Мухториятини тузганликларини (Ленин томонидан эълон қилинган қарорларга мувофиқ!) эълон қиладилар. Барча янги тузилган мухториятни қутлаб, табрик телеграммаларини жўната бошлаганда, тили бошкаю дили бошка Ленин ўлкадаги ўз вакилларига Туркистон Мухториятини керак бўлса, қурол кучи билан йўқ қилиш ҳақида телеграмма жўнатади. 1918 йил 14 февралда ТАСР ҳукумати Фаргона вилоятини қамал ҳолатида деб эълон қилади. Совет ҳокимияти Фаргона водийсига бутун кучларини тўплай бошлайди. Бундай шароитда Туркистон Мухторияти раҳбарияти асосий эътиборини очарчиликни тугатиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклашга қаратган. Кўкон Мухторияти ўртадаги тушунмовчиликни (ахир, бир неча ой олдин Лениннинг ўзи халқларга ўз тақдирларини ўзлари белгилашга тўла ҳаққи бор, деб қарор эълон қилган эди) тинч йўл билан бартараф этишга уринган. Аммо 72 кун яшаган мухторият қизил армия кучи билан тугатилди. Унинг омон қолган ҳарбий қисмлари миллий-озодлик кўшинларига қўшилиб кетди.

Бу вақтда Мадаминбек Маргилонда эди. Рафикаси Абдурахмон закончининг қизи ўзбек хотин-қизларига ҳос энг яхши феъл-атвор эгаси эди. Мадаминбек бундай оқила умри йўлдош бергани учун Яратганга тинмай дуо қилар, инсонларга қилган барча яхшиликлари эвазига уни ўзига берилган бир туфха деб биларди.

Мадаминбек кичикрок бир савдо дўкончаси очиб, тинч ҳаёт кечиришни режа-лаштирар, ўзининг 40 нафар қуролдош йигитларини яқин қўнларда уйларига қайтаришни ўйлаётган эди. Аммо охириги қўнларда большевиклар олиб бораётган сиёсат барча режаларни бузиб ташлади. У ўз йигитлари билан милиция марказидаги қўнларнинг барчасини олиб истиклолчилик ҳаракатига қўшилиб, ҳақиқий босмачилар - қизилларга қарши қўнларни бошлаб юборди. Бир қўни у ўз йигитлари билан Маргилонга бостириб кириб, тинч аҳолини отиб, қиличдан ўтказётган арман дашноқлари устига қўққисдан ҳужум қилиб барчасини кириб ташлайди. Мадаминбек галабасини эшитиб водийнинг турли бурчакларидан унга ёрдам истаб қўнлар кела бошлайди. Табиийки, қаҳрамонимиз уларга ёрдамга ошиқади.

Чор Россияси даврида Туркистонга қўчириб келтирилган рус мужиклари ҳам большевик ҳокимиятидан норози эдилар. Советлар уларнинг ерлари ва мол-мулкларини давлат ихтиёрига қўриб олаётган, қаршилиқ қўрсатганларни эса отиб ташлаётган эди.

Мадаминбек «Рус дехқон армияси» қўмондони генерал Монстров билан яширин алоқа ўрнатиб, биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида қилишиб олади.

Моҳир сарқарда эканини қиска вақтда ишботлаган Мадаминбек ҳузурига Англия ҳукумати ёрдам таклиф қилиб элчи жўнатади. Урал ва Сибирда қизил армияга қарши қўнлаётган Қолчак эса 2 та рус ва 2 та инглиз генералларини унинг ҳузурига ёрдамга юборади. Бундан ташқари Туркия ва Германиядан ҳам ёрдам таклифлари кела бошлади.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, четэлликлар Мадаминбек шахсиятида кўра олган етакчилик ва саркардалик салохиятини Кўкон атрофида Катта Эргаш бошчилигида ҳаракат қилаётган кўрбошилар кўра ол-мадилар. Улар Мадаминбекнинг бутун кучларни бирлаштириш таклифига рози бўлмадилар.

Мадаминбек маҳаллий бойлар воситачилигида Англия, Германия ва Туркиядан курол-яроқлар сотиб олиб, кўл остидагиларни яхшироқ куроллантира бошлади. Мадаминбекнинг Туркистонда ҳаракат қилаётган озодлик кучлари раҳбарларидан устивор томони шу эдики, унинг ҳарбий штабида ўқимишли, сиёсатни тушунадиган рус ва инглиз офицерлари бор эди. Улар Россия ва унинг атрофидаги воқеаларни синчиклаб кузатиб, ўрганиб борар ва бу ҳақда Мадаминбекка зарур маълумотларни беришарди. Ишончли ва зарур маълумотларга эга бўлган Мадаминбек уларни ўзича таҳлил этар ва аниқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда тегишли бир тўхтамга келарди.

Архив маълумотларида кўрсатилишича, у Скобелев (ҳозирги Фарғона шаҳри), Наманган, Андижон, Ўш кўрбошиларини бирлаштириб 25 минг кишилик армияга қўмондонлик қилган.

Совет қўмондонлиги Мадаминбек билан водийда қандай жанг қилишни режалаштираётганда, у ўз йигитлари билан русларнинг асосий истехкоми, Скобелев шаҳрига, 1919 йил бошида тўсатдан бостириб қиради. Кўча жангларида русларни мағлуб этгач, шаҳар турмасига ҳужум қилиб, 200 дан зиёд сафдошларини ва рус офицерларини озод этадилар.

Истиклолчилик ҳаракати кўшинлари қиска вақт ичида Ўш, Андижон, Маргилон, Кува, Жалолобод ва бошқа йирик шаҳарларни ўз назоратига олади. Ўш озод этилгач, Мадаминбек халқ олдида генерал Монстров ва Алексеевларнинг елкаларига кўлини қўйиб жуда чиройли калблар тубидан ўрин оладиган, самимий бир нутқ сўзлайди. Уни Ўш аҳли қуйидагича таърифлаган: «У ўрта бўйли, тўладан келган, кизил юзли, чараклаб турган қора кўзли, жуда хотиржам гапирадиган киши эди. Унинг унча ўсмаган сочлари устига қийган Маргилон дўпписи ҳам, қилич ва наганини елкасидан белига қараб тортилган тасмаси ҳам, қолаверса, шойи бел-боғи ҳам ўзига жуда ярашлиқ эди». 1919 йил сентябр ойи ўрталарида Маргилонда Ислом кўшинлари ва «Рус дехкон армияси» раҳбарларининг бирлашган қурултойи бўлди. Қурултой Мадаминбекнинг салохиятли амир ал-муслимин эканини яна бир бор эътироф этиб, унинг Фарғона водийсида қанақам адолатли, меҳнатқашпарвар мусулмон ҳукумати тузиш тўғрисидаги дастурини маъқуллади. Қурултойда ўлкада Таъсис Мажлиси (парламент) қақриб, тенг ва эркин сайловлар асосида қонуний ҳукумат тузиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳукуматдаги жойларнинг 2/3 қисми ерли аҳоли вакилларига, қолган бир қисми русийзабон халқ вакилларига ажратилиши назарда тутилган эди.

Жангу-жадаллар билан банд бўлган Мадаминбек севиқли ёри Саодатхон билан қам қўришарди. Мадаминбек билан бу аёл анчагина машаққатлар чеккан. Саодатхон опа назарида ўзининг беги (у Мадаминбекка «бегим» деб мурожаат этарди) улуг ишлар билан бандлиги, миллат севғиси унинг бошқа хис-туйғуларидан устивор турганидан сира ҳам ҳафа бўлмас, аксинча, бу билан гурурланиб юрар, ўзи ҳам янги бир олам кишиси бўлиб бораётганидан мамнунлигини яшира олмас эди.

Туркистон қоризмнинг муҳим қом-ашё базаси эди. Ленин ва унинг сафдошларининг қаттиқ эътиқодича, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш Хитой ва Хиндистон қаби йирик давлатларга «инкилобни» экспорт қилиш имқониятини тугдирарди. Шунинг учун ҳам большевиклар Туркистонни қўлдан қикаришни истамас эдилар.

Иккиюзламачи Ленин 1918 йил бошида Туркистон ахлига ўзлари истаганларидек давлат тузиш ҳукуки берилишини эълон қилиб, ўша йилнинг сентябр ойида Турккомиссия номи остида фавқулодда ваколатларга эга коммунистлар гуруҳини Тошкентга йўллаган.

Уларга Туркистонда большевик тузумни қандай қилиб бўлмасин сақлаб қолиш ва қучайтириш вазифасини юклаган эди. Айнан шу комиссия қарори билан Туркистон Мухторияти тугатилган, мусулмонларга қарши «қизил террор» сиёсати ишга солинган эди. Бу сиёсат қурбони бир неча юз минг киши бўлди.

Россиянинг марказий вилоятларида фуқаролар уруши большевикларга Урта Осиёда ҳокимиятни қўлга олишга имкон бермаган. 1920 йилга келиб «оқ армия» қўшинлари мағлуб этилиб, асосий қучлар Туркистонга йўналтирилди. Қирғизистонда тугилиб ўсган Фрунзе бу қўшин қўмондонлигини қайтадан ўз қўлига олади. Янги ва урушларда қиникқан қучлар етиб келиши билан истиклолчилик ҳаракати аъзоларига қарши қураш анча кескин тус олади.

Кечагина Осиё халқларига ўз давлатини тузишга рухсат берган Ленин иккиюзламачилик қилиб биринчи имконият пайдо бўлиши биланок Туркистонда ҳокимиятни қўлга олиш ишини бошлади. Қизил армия нафакат Фарғона мухтор давлатини, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ҳам тугатган.

Мадаминбек тузган давлат ўша даврдаги қўплаб Осиё мамлакатлари қаби диний давлат бўлмай, диний ва миллий анъаналаримиз қадрланадиган дунёвий давлат эди. Фарғона водийсига Хитой, Англия, Эрон, Туркия ва АКШдан элчи ва вакиллар келиб ўз давлатларининг ёрдамларини таклиф этган эди.

Мустақилликка эришгач, ноҳақ қораланган ота-боболаримизни халқимизга танитиш имконияти пайдо бўлди. Советлар бу йўлдаги фаолиятларини 80 йиллар охиригача давом эттирдилар. Хатто, «Ўзбекфильм» киностудияси «босмачилар» тўғрисида шунчалик хўп фильм суратга олганки, собиқ Иттифокда «Басмач-фильм» деган ном билан танилиб қолган.

Англиядан чиққан Робин Гуд номи бир қарокчи ҳақида бир қанча фильм суратга олинган. Корея киночиларига тан берасан киши, «Денгиз ҳукмдори», «Сўнгги қиролича» ва «Жумонг» сериаллари орқали ўз тарихларини дунёга танитмоқда. Бизлар ҳақиқий юрт ўғлонлари ҳақида бадиий фильм олиб, чиройли тарзда ўз халқимизга танитсак, қўчада ўйнаётган болаларимиз пешонасига латта боғлаб корейлик қаҳрамонларга эмас, белига белбоғ боғлаб Амир Темур, Мадаминбек, Намоз Пирумкуловларга таклид қилган бўларди.

Жамшид КОМИЛОВ